

## МУҲАММАД РИЗО ОГАҲИЙ ИЖОДИДА КОМИЛ ИНСОН ТАЛҚИНИ

*Юсунова Барно Назаровна*

*Хива шаҳар М.Огаҳий номидаги она тили ва адабиёт ва ҳорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернати она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси,  
umarov.a@gmail.ru*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Муҳаммад Ризо Огаҳий асарларидаги маънавий ва гуманистик ғоялар мазмуни ва қамров доирасини белгилаш, уларнинг ёшлар дунёқарашида инсонпарвар ғояларни қарор топтириши каби муаммоли масалаларнинг ҳамда ахлоқий жиҳатларини ўрганиш борасида сўз юритилган.

**Аннотация.** В данной статье обсуждаются проблемные вопросы и этические аспекты определения содержания и объема духовных и гуманистических идей в творчестве Мухаммада Резы Агахи, такие как принятие ими гуманных идей в мировоззрении молодежи.

**Annotation.** This article discusses problematic issues and ethical aspects of determining the content and scope of spiritual and humanistic ideas in the work of Muhammad Reza Agahi, such as their acceptance of humane ideas in the worldview of youth.

Жаҳонда бугунги глобаллашув шароитида ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатаётган деструктив омилларни бартараф этишда инсонпарварлик ғоялардан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эгадир. Шу боисдан ҳам инсоният маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар янги ғоявий-фалсафий парадигмаларни яратиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда [1]. Жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин тутган алломаларнинг замонавий муаммолар ечими сифатидаги концептуал ғоялари бугунги кунда тараққиётга тўсқинлик қилаётган салбий иллатларнинг олдини олишга, уларга қарши маънавий курашни илмий

асослашга хизмат қилмоқда. Айни шу маънода, мутафаккирларнинг асарларидаги шахслараро мулоқот, миллатлараро тотувликка оид ёндашувларни янги илмий мезонлар асосида тадқиқ қилиш долзарб аҳамият касб этади [2]. Жамятимиз ва давлатимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ёш авлодни етук шахс, замонамиз талабларига жавоб берадиган, билимдон, юксак маънавиятли, эътиқоди мустаҳкам, иродаси кучли, халқ, Ватан учун жон куйдирадиган комил инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказишдир. Ёшларни тарбиялашда биз учун қадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат, уларга содиқлик руҳини шакллантира олсак, ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида ёт ғояларга қарши иммунитетни шакллантириш, бугунги кунда кўп бор қўлланилаётган ғоявий тарбияни олиб бориш муҳим аҳамият касб этади [3].

Бугунги авлод манавий-маърифий ва миллий қадриятларимиздан тўла баҳраманд бўлиш, ўзлигини англаш, ўтмишдаги буюк тарихий шахсларимиз, мутафаккирларимиз, аллома ва манавият даҳоларимиз меросидан тарих ҳақиқати, холислик мезонида манавий комил инсон бўлиб улғайишдек илоҳий иномга эга бўлмоқда. Президентимиз, Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, “Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир, деб баралла айтишга тўла асос беради. Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз

фахрланамиз”<sup>1</sup>. Ана шундай тафаккур эгаларидан бири Муҳаммад Ризо Огаҳийдир. Огаҳий (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли) – шоир, тарихчи, таржимон. Шарқ классиклари асарлари, айниқса, Навоий ижодини қунт билан ўрганган. Мутафаккир Огаҳийдан мазмунан бой, маънавий чуқур, халқчил маданий мерос қолди [4]. Огаҳий ижодининг мавзу доираси кенг. Аммо у қайси мавзуга мурожаат қилмасин, ишқни четлаб ўтолмайди. Ишқ унинг қаламида мавзунини ёритишда, ғояни илгари суришда асосий бадиий восита; шеъриятида ишқ - иймон, эътиқод, ватан, заковат тимсоли каби лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, фаолияти, дунёқарашини ҳаракатлантирувчи куч. Огаҳий девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. Шоир ўзи яшаб ижод этган мураккаб даврни маҳорат билан бадиий умумлаштирганда, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, баҳо берганда, инсонпарварлик, халқпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган [5]. Шу нуқтаи назардан, биз ўз тадқиқотларимизда Муҳаммад Ризо Огаҳий яшаган давр тарихий маданий муҳитнинг ижтимоий омилларини тарих нуқтаи назардан ёритишни, Огаҳий маънавий ва инсонпарварлик меросининг миллий маънавий тараққиётидаги ўрнини белгилашни, Огаҳийнинг маънавий – маърифий қарашларини маданий тамойиллар ва ғояларини аниқлашни, шунингдек, Огаҳий маънавий – маърифий меросидан талим-тарбия жараёнида фойдаланишнинг мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Маълумки, инсонпарварлик тушунчаси кишида инсонийлик, ўзгаларнинг иззат-нафсига тегмаслик, ҳақ-ҳуқуқини камситмаслик, эркин ҳаёт кечиришни таъминлаш, доимо бошқаларга адолатли ва холисона муносабатда бўлиш, ўзига нимани раво кўрса, атрофдагиларга ҳам шуни раво кўриш, бағри кенг ва

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ /. – Тошкент : Ўзбекистон, 2016.- Б.7.

кечиримли бўлишни англатади [6]. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг маърифий-гуманистик қарашларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, маърифатпарвар Шоир, зукко тарихнавис олимнинг илм-маърифат ва таълим-тарбияси тўғрисидаги фикрлари уша давр тузими шароитида жаҳолат, нодонлик ва саводсизликка қарши курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Огаҳий ўз асарларида инсон ва унинг шахсига, ақл-идрокига чуқур ҳурмат билан қаради. Лекин Огаҳийнинг хизмати шундаки, у ақлнинг қудратига юксак баҳо беради, илм-маърифатни эса объектив борлиқни билишнинг ва жаҳолат ҳамда нодонликдан қутилишнинг қулай воситаси деб ҳисоблайди. Муҳаммад Ризо Огаҳий ижодида инсон, унинг зоҳирий ва ботиний дунёси турли кўринишларда талқин қилиниб, адолат, ҳақиқат, меҳр, саховат, вафо, садоқат улуғланади, жабр-зулм, жаҳолат, адолатсизлик ва ноҳақлик қораланади. Шунини айтиш лозимки, Муҳаммад Ризо Огаҳий замондошлари Мунис Хоразмий ва Комил Хоразмийга нисбатан ижтимоий ҳодисаларни чуқурроқ таҳлил қилади, адолатсизлик, жабр-зулм ва бошқа салбий иллатларни кесик қоралайди. Мутафаккир дунёқарашининг шаклланишида Алишер Навоий умуминсоний руҳ билан суғорилган гуманистик таълимоти ғоявий манба бўлиб хизмат қилди. У борлиқ, жамият, инсон, ахлоқ, давлатни одилона ва оқилона бошқариш масаласида Навоийга эргашади, унинг ғояларини ривожлантиради. Инсонни юксакликка кўтариб, халқпарварлик, адолат ва инсоний фазилатларни улуғлаган, инсон бахт-саодатини ўйлаб, адолатсизлик, жабр-зулм, тенгсизлик, ҳақсизликни қоралаган Навоий шундай ёзади:

*Шоҳки иши адл ила бунёд этар,  
Адл бузуқ мулкени обод этар,  
Шоҳки эрур адл ила даврон анга,  
Бўлди сирот ўтмаги осон анга<sup>2</sup>.*

---

<sup>2</sup> Алишер Навоий .Ҳайратул-Аброр. -Т.:Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 198.б.

Демак, шоҳ мамлакатни адолат билан бошқарса, вайрон мамлакат ҳам обод бўлади. Адолат мезонларига риоя қилиб даврон сурган ҳукмдор сирот кўпригидан (у дунёда) осон ўтади. Шоир мазлум халққа зулм қилган аҳли аъёнларнинг юзига боқмай, зарур бўлса, уларни жазолаш лозимлигини уқтиради, У жабр-зулмга мойил, такаббур, очкўз, ноинсоф амалдорларни вақти-вақти билан назорат қилиш, тавбасига таянтириш, адолат ва нажот изловчиларга меҳр кўрсатиш, карамли, бўлиш зарурлигини уқтиради. Огаҳийнинг юрт равнақи, эл тинчлиги, халқ фаровонлиги учун масъул бўлган ҳукмдорни адолат билан иш тутишга, раиятпарвар бўлишга ундовчи ва огоҳликка даъват қилувчи қуйидаги фикрлари Навоийнинг юқоридаги байти таъсири ҳосиласидир:

*Мулку миллатга амин ўлса агар огоҳлар,*

*Икки олам обрўйин ҳосил эткай шоҳлар<sup>3</sup>.*

Огаҳийнинг «Агар давлат ва миллатни одил, олам сирларидан огоҳ, маърифатли кишилар бошқарса, унинг икки дунёси ҳам обод бўлади», деб бошланувчи мазкур ғазали Навоийнинг давлатни одиллик ва оқиллик билан бошқариш ҳақидаги фикрлари билан муштаракдир. Шоир нафақат ҳукмдорнинг, балки унинг атрофидаги амир-амалдорларнинг қандай фазилатларга эга бўлиш лозимлигини баён қилган. Шоир асарларида «адолатсизлик» таҳлилига катта ўрин ажратган. У жамият, юрт тараққиётига тўсиқ бўладиган адолатсизликни қоралайди, жабр-зулмни инсониятнинг энг махфий душмани ва ёмон хулқларнинг энг боши, деб таърифлайди. Унинг фикрича, «давлат қасрининг» мустаҳкамлиги давлатнинг «кўҳна давлатхоҳлар»ига бевосита боғлиқдир. Ҳукмдорга мамлакатни идора қилишда оқилона маслаҳатлар бериш, тўғри йўлни кўрсатиш учун кўпни кўрган, тажрибали давлат арбоблари зарур. Акс ҳолда шоҳнинг тахти омонат

---

<sup>3</sup> Огаҳий. Муҳаммад Ризо Ишқ аҳлининг тумори.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. В: 1999.-60 б.

бўлиб қолади. Шоҳ ёнида мамлакат ва давлат ишларида сиёсий малакага эга, инсонпарвар кишилар бўлиши зарур.

*Паст ҳиммат жоҳили навъ давлат ўлмас дастёр,*

*Шоҳга лозимдир неча донойи олий жоҳлар<sup>4</sup>.*

Халқнинг аҳволи, фаровон турмуши, тинч-осойишта яшаши давлатни тўғри, оқилона бошқариш, подшоҳнинг маърифатпарвар, адолатпарвар ва халқпарварлигига боғлиқдир. Огаҳий Сайид Муҳаммадхон давлатни одилона ва оқилона бошқаргани, олиму фузалолардан ўз марҳаматини аямагани туфайли. Халқпарвар бўлгани туфайли эл-юрт равнақ топди, халқ осойишта яшади, деб мисол келтиради. Муҳаммад Раҳимхон Ферузга бағишланган «Қасида насиҳат» асарида Шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари, маслағи баён қилинган. Унда мутафаккир подшоҳга мамлакатни бошқариш йўллари ҳақида насиҳат қилади, йўл-йўриқлар кўрсатади. Унингча, агар шоҳ жафокор, маккор, ғаддор, ҳаёсиз, бевафо, ситамгар ва жоҳил бўлса, халқ жафо чекади, мамлакат таназзулга юз тутади. Подшоҳ айш-ишратга, фисқ ва бидъатга нафсга берилишдан, раиятга жабр-зулм қилишдан ўзини тийсагина давлат мустаҳкамланади, эл-юрт фаровон ва қудратли бўлади. Шоир подшоҳга зарур фазилатларни санаб ўтгач, хулоса қилади:

Ки, ҳиммат биридур, шижоат бири,

Адолат биридур, сиёсат бири<sup>5</sup>.

Шоир ҳукмдорни қайта-қайта огоҳлантирар экан, панд-насиҳат билан чекланиб қолмайди, балки фуқаролар ғамини эйишни қатъий оҳангда ундан талаб қилади. Бизнингча, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг бундай руҳдаги шеърлари Мунис Хоразмийнинг фалақдан зорланиши, шикоятдан фарқ қилади, улар, Шоир

---

<sup>4</sup> Огаҳий Муҳаммад Ризо Асарлар. VI жилдлик. I жилд. Девон.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.-193 б.

<sup>5</sup> Огаҳий Муҳаммад Ризо Асарлар. VI жилдлик. II жилд. Девон.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.-34 б.

дунёқарашининг кенглигидан , адолат излашда журъатли эканлигидан далолат беради. Шунинг учун у «ҳар тоифанинг ҳолиға лойиқ ва ҳар жамоанинг афғолиға мувофиқ» айтишга ўз интилади Навоийдек «чин сўз»ни кучли эҳтирос ва дард «дилсўз» мазмун билан бойитади.

*Комронлар лутфидин кўз тутма, комингким, алар*

*Элни ноком айламак бирла этарлар комига*

Огаҳий мавжуд тузумдаги адолатсизлик, тенгсизлик, ноҳақлик жабр-зулмнинг негизини англаган Шоир давлат маҳкамаларида улуспарвар, инсонпарвар, ҳалол ва ҳақиқатни юзага чиқарувчи одил ва шижоатли кишиларнинг бўлишини истади. У агар тахт атрофида доно кишилар кўп тўпланиб, ҳукмдорга тўғри маслаҳатлар берса, шоҳ адолатли бўлади, натижада юрт тинч ва обод, халқ фаровон яшайди, деган фикрни илгари суради Шоир. Унинг фикрича, аркони давлатдаги худбин, жоҳил кишилар халқ молини ўз нафси учун сарф қиладилар, меҳнаткаш халқнинг оғир меҳнати туфайли бунёд бўлган мулкни, давлат хазинасини ўз манфаатлари учун сарфлайдилар, ҳар қандай пасткашлик, разиллик ва қабихликдан қайтмайдилар. Шоир ижтимоий ҳаётни, шахмат ўйинига қиёслайди. Шахмат ўйинида фақат тўғрига юрувчи рух, шоҳдан анча йироқда тургани, сўзию ишининг тўғрилиги боис, қанча оқилу билимдон кишилар давлат маҳкамаларига йўлатилмайди. Фарзин эгри-бугри юргани учун шоҳнинг ёнидан ўрин олади, ҳам лаганбардорлар аркони давлатга жойлашиб олади. Мутафаккир шахмат ўйинидаги фарзин каби каж (қинғир-қийшиқ) юргандан кўра мотсиз фил суришни афзал кўради. Зеро, тўғрилик инсонпарварликка хос фазилатдир.

*Фарзин мисол юрма вале ҳар тарафга каж,*

*То фил сургасан бу бисот ичра мотсиз<sup>6</sup>.*

---

<sup>6</sup> Огаҳий Муҳаммад Ризо Асарлар. VI жилдлик. II жилд. Девон.-Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971.-213 б.

Яъни; мол дунё илинжида шоҳга ялтоқланиб мансабдор бўлгандан эркин, маънавий устун бўлиб шоҳдан йироқда хизмат қилиш афзалдир. Бу билан Шоир эркин яшаш , меҳнат қилиб кун кўриш-ғоясини илгари суради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкин-ки, Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг маърифий қарашларидаги илғор фикрлар, амалий хулосалар бугунги кунда ҳам жуда қадрли ва аҳамиятлидир. Унинг қарашлари аср бошларидаги ижтимоий ҳаёт билан ғоят боғлиқ бўлса-да, ҳозирги кунимизга ҳам ҳамоҳанг. Ёшлар таълим тарбиясига эътибор, миллат ривожини учун соғлом авлодлар таълим-тарбияси масаласини умуммиллат аҳамиятига молик даражасига кўтариш фикрлари ҳозир ҳам ҳукуратимиз жонкуярлари томонидан баралла айтилмоқда ва амалга оширилмоқда. Муҳаммад Ризо Огаҳий ўз асарларида жамиятдаги, кишилардаги иллатларни фож этиш инсондаги эзгу, олижаноб, ахлоқий фазилатларни кўпайтиришни, инсонни баркамол бўлиб этишишига ёрдамлашишни назарда тутган. Айнан ушбу ёндашиш Огаҳийнинг ижодидаги гуманистик ғоялардан баркамол авлодни шакллантиришда унумли фойдаланишга ундайди. Шу билан бирга, Огаҳийнинг илм-фан тўғрисидаги насиҳатомуз фикрлари долзарб характерга эга бўлиб, бу бебаҳо мерос жамиятимиз учун соғлом авлодни тарбиялашнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга ёрдам бериши шубҳасиздир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аҳмедова М.А. Огаҳий ижодида адолатли жамият ғояси “Огаҳийга армуғон” илмий адабий тўплам Хоразм 2009 . – Б. 170–176.
2. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. - Т.:“Маънавият “ , 2005 . - 208 б.
3. ПардаеваМ. Алишер Навоий асарларида комил инсон ғояси. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2010.
4. Абдуғафуров А. Муҳаммад Ризо Огаҳий. – Т.: Мерос, 1999. – 62 б.
5. Ҳожиаҳмедов А. Огаҳий даҳосининг олмос қирралари. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. - 175 б.
6. Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари-Тошкент Фалсафа ва ҳуқуқ инст. Нашр., 2007.-3 б.